

НАВОИЙ ОНТОЛОГИК ФАЛСАФАСИДА ЗАМОН ВА МАКОН МАВЗУСИ

Норов Тожи Омонович

ТДИУ, “Ижтимоий-гуманитар кафедраси доценти, ф.ф.д.(DSc)

Аннотация

Ушбу мақола фалсафада вақт категориясига бағишланган. Хусусан, мақолада улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг онтологик қараишларида вақт категорияси таҳлили, вақт билан боғлиқ масалаларининг баён тили, услуби, улар бўйича илмий-фалсафий хулосалар қилинган.

Аннотация

Эта статья посвящена категории времени в философии. В частности, в статье дается анализ категории времени в онтологических воззрениях великого мыслителя Алишера Навои, а также языка, стиля выражения вопросов, связанных со временем, научных и философских выводов по ним.

Annotation

This article focuses on the category of time in philosophy. In particular, the article analyzes the category of time in the ontological views of the great thinker Alisher Navoi, as well as the language, style of expressing questions related to time, scientific and philosophical conclusions on them.

Калим сўзлар

адам, азал, абад, ламязал, вақт, бидоят, замон, макон, давр, даврон, адвор, чарх даври, фалак даври,

Ключевые слова

адам, азал, абад, ламязал, вақт, бидоят, замон, макон, давр, даврон, адвор, чарх даври, фалак даври,

Key words

adam, azal, abad, laayazal, vakt, bidoyat, zamon, makon, davr, davron, advor, charkh davri, falak davri.

Кириш

Вақт масаласи ибтидоий даврлардан ҳозирги замон фалсафасигача бўлган породоқсал муаммолардан бири бўлиб, бу мавзу турли давр фалсафий мактабларида, йирик мутафаккирлар томонидан турлича таърифлаб ва тавсифлаб келинган.

Вақт - бу фалсафанинг асосий тушунчаси бўлиб, барча объектларнинг мавжудлиги даврининг узунлиги даврий ўлчови, ўзгаришлар кетма-кетлиги, ҳолати, жараёнлари, ўзгариши ва ривожланиши шунингдек, замон кенглиги ягона вақт координатасидан нисбийлик назарияси тасаввуридир.

Вақт — бу фалсафанинг асосий тушунчаси бўлиб, нисбийлик назарияси бўйича, ягона вақт координатаси асосида, замон кенглигида, барча объектларнинг мавжудлиги, ҳолати, ўзгаришлар жараёнлари, шунингдек, ўзгариши ва ривожланиши (шунингдек таназзули) кетма-кетлиги, даврининг узунлиги ўлчови билан боғлиқ тасаввурдир [1].

Вақт тушунчасини антик фалсафада биринчи бўлиб **Платон** киритди. У ўзининг трактатларида вақтни **“мангуликка дохил ҳаракат”** деб баҳолаган. Унинг фикрига кўра, бу дунё мукамал бўлмаган ҳаракатдаги мавжудлик тизими бўлиб, унда мангулик йўқ фақат унда ҳаракат бор. Аксинча, фақат худолар оламигина барқарорлик ва мангуликка дохил [2].

Аристотель - ўзининг “Физика”сида, вақтни “Ҳаракат меъёри” тарзида баҳолаган. Унинг шу назарияси кейинчалик вақтни ўрганишдаги ягона илмий асос сифатида баҳоланди [3].

Машҳур инглиз физиги Исаак Ньютон ўзининг **“абсолют вақт”** концепциясида, вақтга домий бир зайлда оқиб турувчи, ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам йўқ физик катталиқ, ҳодиса деб баҳолади [4].

Биз Навоийнинг вақт билан боғлиқ фалсафий мушоҳадаларини таҳлил қилишдан олдин, вақт билан боғлиқ фалсафий ва илмий-таҳлилий қарашларнинг умумий тадқиқи ва хулосалари тарзида айрим маълумотларни келтириб ўтиш ўринли деб ҳисобладик. Вақт масаласида фалсафа, астрономия, физика, астрофизика, математика илмлари соҳасида олиб борилган тадқиқот ва кузатишлар натижаси сифатида ҳозиргача қилинган илмий-фалсафий хулосалар куйидагича:

Вақт — 1) материянинг асосий яшаш шаклларида бири; 2) табиатдаги бирор даврий ҳодисага, масалан, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даврига нисбатан ҳисобланадиган ўлчов бирлиги.

Вақтни ўлчаш. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даври билан ўлчанадиган вақт бирлиги **сутка** (бир кеча-кундуз) деб аталади. Вақтнинг каттароқ бирликлари **ой** (Ойнинг Ер атрофида айланиш даври), **йил** (Ернинг Қуёш атрофида айланиш даври) дир. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даври юлдузларга ёки баҳорги тенг кунлик нуқтасига нисбатан олинса, юлдуз суткаси, Қуёшга нисбатан ҳисобланса, ҳақиқий Қуёш суткаси, ўртача қуёшга нисбатан эса ўртача Қуёш суткаси дейилади. Ойнинг Ер атрофида юлдузларга нисбатан айланиш даври - сидерик ой (юлдуз ойи), Ойнинг иккита бир хил фазалари орасида ўтадиган давр - синодик ой дейилади. Ниҳоят, Қуёшнинг Ер атрофида кўринма (визуал) ҳаракати юлдузларга нисбатан олинса, сидерик йил (юлдуз йили), баҳорги тенг кунлик нуқтасига нисбатан ҳисобланса, тропик йил ҳосил бўлади. Вақтнинг энг кичик бирлиги қилиб сутканинг $1/86400$ қисмига тенг вақт — секунд қабул қилинган. Фан ва техникада секунднинг мингдан, миллиондан бир улушлари билан ҳам иш кўрилади.

Халқаро келишувга биноан, Гринвич меридиани бошланғич (нолинчи) меридиан деб қабул қилинган. Гринвич фуқаро вақти дунё вақти деб қабул

этилган. Ҳар бир жойнинг ўз фуқаро вақти бўлиши ўзаро алоқа ва саёҳатларда кўп ноқулайликлар туғдиради. Шу сабабли, бир вақтлар турли мамлакатларда ўз пойтахт вақтларини қабул қилишган. 1884 йилдан бошлаб, Ер шари 24 соат минтақага бўлинди. Ҳар бир минтақадаги жойлар бир хил вақтга, яъни ўртача меридиан вақтига эга бўлади. Минтақалар Гринвич меридианидан бошлаб 0 дан 23 гача рақамланади. Шунинг учун маълум минтақа рақамига тенг сонга фарқ қилувчи бутун соатга тенг бўлади. Масалан, Москва ва Санкт-Петербург 2 – минтақада ётганлиги учун уларнинг маҳаллий вақти Гринвич вақтидан 2 соат, Тошкент 5 - минтақада жойлашганлиги учун 5 соат фарқ қилади. Собиқ иттифокда минтақа вақти Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХКС) декрети билан 1919 йил 1 июлдан бошлаб киритилган. Табиий ёруғликдан самарали фойдаланиш ҳамда халқ хўжалиги ва турмушда электр энергиясини мутаносиб тақсимлаш мақсадида кўп мамлакатларда ёз пайтларида соат миллари 1 ёки бир неча соат олдинга сурилади. Бу декрет вақти дейилади [5]. Тошкент вақти деб юритиладиган 5 - минтақанинг декрет вақти дунё вақтидан 6 соат олдиндадир.

Навоийда вақт билан боғлиқ абсолют илоҳиёт билан боғлиқ тушунча ва истилоҳ қулланилади. Улар *адам, азал, абад, ибтидо, бидоят замон, интиҳо* каби истилоҳлар тарзида айтилади. Буларнинг изоҳи истилоҳлар изоҳи мавзусида изоҳлар берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Навоийнинг вақт категорияси билан боғлиқ фикрлари ва таърифлари анча мураккаб, аниқ илмий таҳлилий хулосалар йўқ, лекин, бу мавзудаги фалсафий қарашларидан хулосаларни бу мавзуда асарлари баёнидаги айрим мажозий, пантеистик-фалсафий ва айни ҳолатда, вақтга оид фикрларни оддий дунёвий талқинлари баёнидан ажратиб олиш керак бўлади.

Навоий наздида, замон бу – адам, азал ва абад орасидаги давр. Яъни адам даврида фақат Оллоҳ бор эди, У азалий ва боқийдир, У оламларни, Ерни ва одам яралиши билан, вақт ҳам бошланди, интиҳо, абад бўлиши, бошқача айтганда қиёмат бўлиши, оламни, маконни ва шу билан бирга вақтни ҳам ниҳояси деб қаралган.

Адам – йўқлик; ҳали олам ва оламдаги ҳеч нарса йўқ, ҳатто вақт ҳам бошланмаган пайт. Олам яралишидан олдинги, Оллоҳ оламни яратмасидан илгариги давр ва ҳолатни англатади [6]. Яъни адам – йўқлик, ҳали Оллоҳдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган вақт. Навоий фалсафий қарашларида ҳам унгина бўлган айрим фалсафий таълимотларнинг оламни яралиши, ибтидосига шу тарзда жавоб изланган ва жавоб, Қуръони Карим оятлари асосида оламни Оллоҳ яратган, ундан илгари яъни азалда, **адам** – йўқлик бўлган, Оллоҳ ярал деди, олам яралди, деган пантеистик, онтологик фалсафий ёндашув бор. Бу ҳол аслда Қуръони Каримнинг биринчи сураси “Фотиха” сурасида “Оламни яратган раҳмли ва меҳрибон Раббийга ҳамдлар бўлсин” деб бошланган калима мисолида ва бошқа бир нечта оятлар мисолида.

Азал – энг аввал бошланиш, ибтидосиз, қадим маъносини англатади.

“Ҳайратул аброр”да:

Эй санга мабдода абаддек азал,

Зоти қадиминг абадий лам язал [7.392] дейди, Навоий.

Бу байтнинг мазмуни, (Эй Аллоҳ) Сенинг ибтидоинг, азалинг абадият каби мангуликка дохил, шунингдек Зотингни қадимийлиги абадийлиги ҳам мангу бўлиб, унинг бошланишию охирини ўзингдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Лам язал ҳам доимий абадий маъносини беради [13.165-166].

Мабдо ёки мабдаъ ҳам бошланиш, асл, асос, асл моҳият маъноларида қўлланилади [13.184].

“Хазойин ул-маоний”да:

Азалдин то абад сатҳи вужудинг зарфи тўлмаским,

Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо [8.8]

Бу байтда ҳам юқоридаги каби маъно мужассам бўлиб, биринчи сатрининг маъноси, Сенинг таърифингга келтирилган таърифлар ҳеч вақт лозим даражага етмаган. Бу ерда, агар Аллоҳни шаънига айтилган ҳамду-саноларни бир косага ўхшаган идишга солинса, у идиш ҳеч вақт тўлмаган, тўлмайди деган маънода мажозий фалсафа келтирилган.

Абад - чексизлик, давомийлик, ниҳоясизлик, сўнги йўқ замон (азалнинг зидди). Навоийда бу вақт категориясига дахлдор истилоҳ бўлиб, унинг баёнида оламдаги вақт ана шу адам, азал ва абад орасидаги умумий вақт бўлиб, у инсон иродасидан ташқарида, унинг эгаси ҳам Оллоҳ деб қаралади. Мисол учун “Хазойину маонийда”да

Зиҳи иноятинг охир келиб абад аввал,

Вале хабар бера олмай бидоятинга азал[8.123].

Навоийда адам, адамда, адам чоҳи - йўклик жари, ғори тарзида ишлатилган.

Шунга қарамасдан Навоий асарларида вақт, замон истилоҳлари қуйидаги мазмунларда қўлланилган. Уларни умумий асоси пантеистик тарзда қўйилгани билан кўпроқ ўринларда маърифий-дунёвий маънода қўлланганлигини айтиб ўтиш зарур.

Замон —

1. Вақт, давр, замона [12.615]: Замона абноси — замон фарзандлари;

2 — муддат, давом, фурсат;

3 — дақиқа, лаҳза, шу заҳоти, шу дам;

Вақт [12.367-368].

1. вақт, замон, давр;

2. пайт, фурсат;

3. умр;

4. Соат, муайян вақт;

5. фасл, мавсум;

6. гоҳо, баъзан, ўз пайтида

Аҳли замона — замондошлар; “Маҳбуб ул-қулуб”да: “Замон аҳли бевафолиғидин кўксимға туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидан бағримға тиконлар”[10.302] деган замон ва замондошлардан нолиш баён қилинган.

Вақт билан боғлиқ мантиққа зид бўлган бир халқчил жумлани тез-тез эшитиб, учратиб турамиз. Бу “вақтни тезлаштирамиз” деган ибора. Аслида эса вақтни ҳеч ким, ҳеч ерда ва айнан ҳеч вақтда тезлаштирган ёки секинлаштирган эмас. Бу ердаги мантиқ, муайян вақтдаги бажарилиши лозим бўлган ишни ҳаракат тезлашуви ҳисобидан қисқа муддатда амалга ошириш билан боғлиқ ҳолат назарда тутилади. Яъни соддароқ қилиб айтганда, бир соатда бажарилиши керак бўлган иш ярим соат ёки чорак соатда бажариб бўлинади. Ҳақиқатда, бу ўринда муайян вақт давомида нормада бажарилиши керак бўлган ишни ҳаракатни тезлашгани ёки ишни бажарилиши билан боғлиқ оқилона ташкилий, техник ёндашув эвазига нисбатан қисқа вақтда бажарилиши англанади. Айтайлик, яёв бир соатда бориш мумкин бўлган жойга машинада, учар воситалар ёрдамида 5 минут, унданда қисқа вақтда етиб бориш мумкин. Бу ерда англаниддек, ҳеч вақт тезлашгани йўқ, балки, ҳаракат тезлашганини кўрамиз.

Бундай “тезлаштириш” ҳаётий жараёнларни илгарилатиш ёки секинлатишда ярамайди. Масалан, тирик жонзодлар, хусусан инсон боласининг муддатидан олдин туғилишига ўхшаган ҳолатлар. Шунингдек, инсон умрини биологик жиҳатдан олдин тўхтатишда сабабчи бўлиш ҳамма вақтда оғир жиноят тури сифатида баҳоланган. Демак, бу ҳол инсоният тарихининг деярли ҳамма даврлари ва маконларида нормал ҳолат деб баҳоланмаган.

Вақтнинг макон каби бошланиши маълум бўлмагани каби интиҳоси ҳам ҳеч кимга маълум эмас. Лекин, унинг нисбий ўлчам мезонлари яратилган ва такомиллашиб келмоқда. Вақтнинг асосий ифодаланган ўлчовлари:

Секун, минут, соат, сутка (кун-тун), ҳафта, ой, йил, аср, мингйиллик, эра кабиларда ифодаланади. Лекин замонавий секундамерларда 1 секундни 100 дан бир улуши, мингдан бир улуши каби ҳисоблаш аниқликлари бор.

Шунинг учун аксарият олимлар вақт эталони сифатида инсонни юрак уришини, кичик бирлиги сифатида инсонни киприк қоқишини қабул қилишни таклиф қилишган. Гап шундаки, ўша аниқ электрон секундамерлардаги вақт секундни 100/1 улуши ҳисобаш тезлигини ҳам кўз нисбатан бўлсада илғайди.

Вақт масаласи ана шундай мураккаб масала экан, кўплаб файласуфлар, уни ақл билан англаб бўлмайдиган борлиқ муаммоси сифатида илоҳий сифат билан таърифлашган. Шулар қаторида Навоий ҳам бор.

Бегарон – бепоён;

Бегоҳ – вақтда бепоёнлик, узоқ вақт ифодаси, шунингдек маконда бепоёнлик тарзида ҳам қўлланилган;

Замон ва замин - замон ва макон маъносида қўлланилган;

Замон – давр, фалак, тақдир тарзида изоҳланган.

Коинот – олам, дунё, жаҳон тарзида изоҳланган

Навоий асарларида, айниқса асар якунида асарнинг ёзилган санасини яширин сўз ёки ҳарфлар бирикмаси орқали ифодалаш, абжад ҳисобида таърих тузиш санъати, сонларнинг ҳарфий ифодалаш орқали тарихий йилномалар чиқариш ёки таърих моддаси ҳақида муаммо санъатида ҳам вақт ҳисобини

чиқариш санъатлари қўлланилган. Масалан: “Маҳбубул-қулуб”нинг хотимасида абжад усули қўлланилган бўлиб, сонларнинг ҳарфларда ифодасидан сана чиқарилган.

Тарихи чу “**хуш**” лафзидин ўлди ҳосил,

Ҳар ким ўкуса, илоҳи, ўлғай хушдил.

“**Хуш**” сўзининг арабча ёзилишидаги ҳарфлар йиғиндисидан “абжад ҳисоби” билан ҳижрий - 906/1500-1501 милодий йил чиқади. Дарҳақиқат, асар шу йилда ёзилган [10.302].

Навоий асарларидаги фалсафий мушоҳадалар асносида вақтга оид яна шундай сўзлар, иборалар ишлатилганганки, уларни мумтоз шарқ адабиётида кенг қўлланилган. Уларни аксариятини ҳозирги пайтда ҳам тез-тез қўллаб турамыз, бироқ уларни кўпларини фалсафий моҳиятини тўлиқ англаб етмаслигимиз кўриниб қолади.

Давр – 1). айлана, теваарак, доира, ҳалқа; 2). замон, вақт, муддат; 3). давр, замон; 4). Айланиш [12.439-440].

Давр ва давра шундан даврон, давр-даврон сўзлари аслда, вақт эталони ҳисобланган осмон жисмлари, хусусан Ой, Қуёш каби сайёраларнинг ўз ўқи атрофидан, орбитасидан (яъни давраси, давридан) ёки бошқа сайёра атрофидан бир бир марта, бир давра айланишидан олинган истилоҳдир. Шунинг учун, Навоий ва бошқа мумтоз шарқ адабиёти манбаларида, осмон даври, фалак даври, даврон аҳли, даври чарх, чарх даври каби иборалар кўп ишлатилган.

Давр сўзи ўрнига қараб бошқа маъноларда қўлланилаган бўлиб, аксар ҳолларда вақт, давр, замон маъноларида қўлланган.

Даврон – айланиш, фалак, гардиш, доира [12.441-442];

“Муншаот”да шундай шоирона таманно қилинган:

Гар бўлса мутеъ чарх даврони манга,

Еткурса мени ул ойға ё ани манга [11.182]

дам – лаҳза, он, вақт, фурсат [12.446-447];

Вақтга, замонга оид бу истилоҳ заминиди, ўтадиган ҳар бир дамнинг қадри ва фалсафий моҳияти акс эттирилади. “Маҳбубул-қулуб”да: “Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Бир турк бу маънида дебдурким: “Дам бу дамдур”.

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,

Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

Бу келтирилган жумла ва байтнинг мазмуни шундайки, - ўтиб кетган умр, вақт йўқликка кетади, ундан афсус-надомат кўп, ҳали бўлмаган иш, келмаган вақтдан сўз айтиш хомхаёллик ва хаёлпарастлик, ўтаётган ҳар бир лаҳза ғаниматдир. Байтда ҳам шу каби маъно бўлиб, мозийдан, яъни ўтмиш ва келажакдар кўп гапириб, ҳасрат қилма, такаллим қилма, нима учунки, шу яшаб турган даминг, вақтинг, умринг энг ажойиб дамдир.

Замон тушунчасини Навоийда истифода этилган маънолари айримлари ҳозирги кунда ҳам мулоқотда кенг фойдаланилади. 1. вақт, давр, замона; 2.

муддат, давом, фурсат; 3. дақиқа, лаҳза, шу заҳоти, шу дам; 4. ҳаёт, умр; 5. соат; 6. фасл, мавсум; 7. муайян вақт; 8. гоҳо, баъзан, ўз пайтида каби маъноларда қўлланилган.

Навоий “Фусули арбаа”, яъни “Тўрт фасл” асарида йилнинг тўрт фаслини ўзига хос кечишини, гарчи юсак бадий тарзда баён қилсада, табиат қонунларини илмий фалсафий талқинига асосланганлигини айтиш лозим.

“Ҳазойин ул-маоний”да замон ва макон категорияси:

Макон бирла замондин сўрмаким, йўқлуқда бор эрди,

Замон янглиз макон анда, макон янглиз замон анда, [8. 131] дейилган.

Бу байтнинг мазмуни, - маконни ҳам замонни ҳам яралишию, мавжудлиги ҳақида сўрама, улар аввал йўқликдан пайдо бўлган, уларни, *адамдан*, яъни, – йўқликдан Аллоҳ ўз амри билан борлиққа, вужуд айвонига келтирди. Шундан кейин макон ва замон бир-бирига маълум мутаносиблик билан мавжуддир (номавжуддир). Шунингдек,

Нишон, эйким, тиларсен ақлдин мундоғ нишонларни,

Нишон ким айтқай, ақл ўлса беному нишон анда, [8.131] дейилади.

Яна бир хусусият - психологияда, вақт **субъектив омил** бўлиб, кузатувчининг руҳий ҳолатига боғлиқ. Яна, вақтнинг ўтиши меъёри тўғри чизиқли ва айланма хусусиятда бўлади. Назаримизда, вақтнинг айланма хусусияти қандайдир ноаниқлик белгиси бўлиб, айланмалиги вақтни ўлчаш асбобоби бўлган, соат ва бошқа асбобларни ҳаракати хусусиятидан келиб чиқиб айтилган. Ваҳоланки, вақтни бир томонлама ва тўғри чизиқли ўтиши баҳоланган таъриф тўғри деб ўйлаймиз. Масалан, бошқа астрономияга оид назариялар, жумладан Навоийнинг космосга оид қарашлари ва амалиётда вақтнинг нисбий ўлчами сайёраларнинг ўз орбиталаридан, ўз ўқи атрофидан ёки айтайлик, Ернинг Қуёш атрофидан бир марта айланиши бир йил деб белгилангани каби бир марталик даврдан олинганлиги, вақтни айланма хусусиятига эга деб баҳолашга асос бўлмайди.

Бизнинг хулосамиз – замоннинг ҳам маконнинг ҳам аниқ ибтидоси ва интиҳоси йўқ, бўлса ҳам ҳеч ким уни айтиб беролган эмас. Айнан ана шу савол ҳамма файласуфларни бош қашлатиб келмоқда. Доно файласуфлар ҳамиша бошқалар билан қиёслаганда жуда кўп нарсани билганлари ҳолда, умрларини охирида, умр сарҳисобида ҳеч нарсани билмасликларини айтиб ва Навоий каби камтарона Валлаху аълам, деб, бу сирларни билишга ожизликларини айтиб кетишган.

Таклиф ва хулосалар

- Навоий вақтни пантеистик таърифлайди, у оламни, борлиқнинг фалакни, маконни ва вақтни ҳам Холиқи Оллоҳ, вақт ҳам Унинг иродасига боғлиқ дейди;

- Навоий онтологиясида вақт масаласи аниқ ўлчов мезони сифатида, ҳозирги замон илм-фани тавсифи ва хулосалари тарзида қўйилмаган, лекин, вақт ўлчови “давр” сўзи сайёраларни бир давра айланишидан келиб чиқиб нисбий тарзда олиниши, айнан мутафаккир асарларига мослиги аён бўлади;

- Навоий фалсафий қарашларида - макон, моддий олам ашёлари турли, ҳажм, кўлам, миқдор, горизантал вертикал каби кўз билан кўриш сунъий ўзагартириш мумкин бўлса, замонни ибтидоси, интиҳоси йўқ, унинг ҳукми ва синоати Оллоҳ измида деган қарашга асосланган;

- Навоийда замоннинг умумий оқими бир тарафлама бўлиб, вақт азал билан абад орасидаги давр оқими деб таърифлайди;

- Навоий асарларидаги фалсафий баёнларида айнан, замон, азал, абад, лам-язал, давр, даврон, давра, пайт, фурсат, фалак чархи, даврон чархи, замона абноси, фасл, мавсум, соат, дам, умр, гоҳо, баъзан каби сўз ва ибораларнинг теологик ва дунёвий ирфоний талқинларини кўриш мумкин;

- Бизнинг фалсафий-концептуал хулосамизга кўра ҳам, вақт масаласи нисбий ва декларатив хусусиятларга эга, аниқ ҳал қилинмаган мавзу. Вақт ва унинг ҳисоблаш осмон жисмлари ҳаракатларидан нисбий олинган экан, уларнинг ўрни ва орбитал ҳаракатлари, яъни даври ҳам нисбийликка асослангандир. Агар, вақт мезони ҳозирги замон фанларида сайёраларни ўз ўқи атрофидан ёки бошқа сайёралар атрофидан орбиталари бўйича айланиб чиқишидан олиган экан, бу хулоса Навоийнинг вақт мезони бўйича қарашига айнан мос бўлиб, бу давр, даврон истилоҳида ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
2. <https://ru.citaty.net/avtory/platon/tsitaty-o-vremeni/>
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/ontologiya-vremeni-u-aristotelya>
4. *Время в античной и средневековой философии.*
5. http://www.chronos.msu.ru/old/TERMS/gaydenko_vremya.htm
6. Декретное время. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
7. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 7 т. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. - Тошкент: “Фан”, 1991. – Б. 392.
8. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 4т. Хазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб. - Тошкент: “Фан”, 1989. – Б. 8.
9. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 2 т. Наводир ун-ниҳоя. - Тошкент: “Фан”, 1987. –
10. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Маҳбуб ул-қулуб. - Тошкент: “Фан”, 1998. –Б. 302.
11. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Муншаот. - Тошкент: “Фан”, 1998. – Б. 182.
12. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 жилдлик, 1 жилд. - Тошкент, “Фан” 1983. – Б. 36-37.
13. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 жилдлик, 2 жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983. – Б. 615.